

Халқаро семинар:

АЁЛЛАР — ЖАМИЯТ — КАСАБА УЮШМАЛАРИ

Ўзбекистон қарийб саккиз йилдан буён мустақиллик йўлидан комил ишонч билан бормоқда. Мамлакатимизда хурматли Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилнинг таркибий қисми бўлиш меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш сиёсати изчил амалга ошириляпти. Аёллар масала-муаммоси доимий диққат марказида.

Хотин қизлар мамлакатимизда катта куч. Улар Республика аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этади. Саодат соҳиблари ёш авлодни тарбиялаш билан бирга жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этиб келмоқдалар. Ҳаётимиз гулларининг турмуш шароитини яхшилаш, орзу умидларини тўлароқ рўйбга чиқ-

хурматли Президентимиз салтанат тепасига келган кунлари данок етим-есирлар, боқувчисини йўқотган қимсалар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларини мустақам ижтимоий ҳимояга олдилар. Шунинг учун ҳам биз бозор муаммоларини қадам ва қадам муваффақиятли ҳал этиб бормоқдамиз. Белгиланган тadbирларда оналик ва болаликни муҳофазалаш, аёллар шароитини яхшилаш, хотин-қизлар ўртасида ишсизликни бар-тароф этишга асосий ўрин бериляпти. Самараси чакимас. Эндиликда енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, туризм, алоқа, халқ маорифи, тиббиёт, маданият ва спорт соҳаларида ҳаётимиз гулларининг ўрни алоҳидадир.

Демократия ва ошкоралик

фан докторларининг 11 фойизи, фан номзодларининг 26 фойизини аёллар ташкил этади.

Маълумки пухта ҳуқуқий билгимга эга бўлмай туриб мавжуд имконият, имтиёзлардан унумли фойдаланиш қийин. Шу боис ҳар бир вожа, меҳнат жамоасида, яшаш жойларида хотин-қизларни ҳуқуқий саводхон этиш юзасидан аниқ тadbирлар амалга оширилмоқда. Равшанки оила ҳаётида аёл алоҳида ўрин тутати. Оила-жамият негизи. Ундаги муҳит, фарзандлар тарбияси, фароқли кўп жиҳатдан бизнинг сайи-харакатимизга боғлиқ. Республикада ҳозирги кунда тўрт миллионга яқин оилалар бор. Уларнинг ярмидан кўпи кўп болалидир. Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган том маънодаги инсонпарварлик сиёсати тўғрисида аёлларимиз алоҳида эътибор ва меҳр билан қуршаб олинган.

Икки кун давом этган Халқаро семинарда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (ОМБУДСМАН) Сайёра Рашидова «Аёллар ҳуқуқини ҳамкорликда муҳофазалашда ОМБУДСМАНнинг роли», «Ижтимоий фикр» Марказининг директори Раёно Убайдуллаева «Гендер муаммолари аёлнигоҳида», Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари, «Гендер ва тараққиёт» бюросининг раҳбари Диловар Қоблова «Ўзбекистоннинг барқарор тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни» мавзуларида маърузалар қилдилар.

Анжуманда иштирок этган Ўрта Осиё давлатлари Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон шунингдек, Озарбайжон касаба уюшмалари вакиллари катта қизиктириш уйғотди.

Мамлакатимиз истиқлолга эришганига етти йилдан сал кўпроқ вақт ўтди, лекин шунга қарамай биз ўзимизни жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси деб ҳис қилмоқдамиз. Айтиш лозимки, ёш мустақил давлатимиз қисқа фурсат ичида дунёнинг тараққий этган мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин олиши учун барча имкониятлар мавжуд - бой маънавият, тарих, маданият ва халқнинг илмий салоҳияти шундай ишонч билдиришга асос беради.

Энг муҳими, турли сабабларга кўра юзага келган мураккаб шароитга қарамай, биз иқтисодий-иқтисодий умумтаназулга учрашдан муҳофиза қила олдик ва шу тўғрисида аҳолининг қашшоқлашувига йўл қўйма-

оширишга қаратилган қатор ҳужжатлар қабул қилинганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Шу муносабат билан касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари олдида ечимини кутаётган қатор муаммо ва вази-фалар турганлигини таъкидлашни истардим. Айтиш вақтда касаба уюшмалари аёлларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустақамлашга асосий эътибор қаратмоқдалар. Шу йўналишда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларига оид барча қонунлар экспертизадан ўтказилди, хусусан бизнинг му-тахассисларимиз Меҳнат Кодекси, Оила Кодекси ва бошқа қонунларни ишлаб чиқиш жараёнида бевосита иштирок этдилар. Ўзбекистон касаба уюшма-

лаётган кафолатлар шулар жумласидандир. Ўзбекистон касаба уюшмалари давлат органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Соғлом авлод учун» дастурини ҳаётга тadbик этилишига улушини қўшаётир.

Бугунги кунда республикада меҳнат муҳофазасини ташкил этиш ва бошқариш тизимини шакллантириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Аёллар ва ўсмирлар меҳнатидан фойдаланишни таъқилолчи касблар рўйқати тузилди. Ана шу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Маълумки, касаба уюшма кўмиталари аёлларнинг ижтимоий муҳофазаси бўйича ўз вазифаларини мулкчилик шаклларида қатъи назар ҳар бир корхона, ишчилар жамоаси билан тузилдиган келишув ва жамоа шартномалари орқали амалга ошираётдилар. Бунда асосий гап барча даражадаги касаба уюшма ташкилотларида шартномаларнинг оғишмай амал қилишига эришишдир. Чунончи, аёлларга меҳнат қилиш ва она сифатида фарзандлари тарбияси билан бемалол шуғулланишлари учун баб-баробар имкон ярати-ти бериш нафақат жамоатчилик иши, шу билан бирга ҳар бир кишининг фуқаролик бурчи ҳамдир.

Бугунги кунда бешта вилоят кўмитаси ва бешта тармоқ Марказий кўмитаси раҳбарлари аёллар 116 та тармоқ вилоят кўмиталаридан 45 тасида, шунингдек 130 шаҳар ва туман, 454 бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларида аёллар етакчилик қилмоқдалар. Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, касаба уюшма фаолларининг 25 фойизи аёллардан иборат. Уйлайманки, бу йилги ҳисобот-сўзловлар жараёнида касаба уюшма раҳбарлик лавозимларига яна кўпроқ ёш, ғайратли, янгича фикрловчи, ижтимоий фаол аёллар сайланади.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон аёллари бахтли аёллардир. Чунки улар нафақат ижтимоий муҳофиза ва гамхўрлик билан қуршаб олинганда ташқари эмин-эркин ўз салоҳиятини намоён қилиш имкониятига эгадирлар. Бу эса ҳақиқий маънодаги тенгликнинг ўзи-га хос тантанаси десак, му-болага бўлмайди.

ДАВР МАСЪУЛИЯТИ

риш каби ҳаётий масалаларга тобора катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикасида аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш ҳақидаги фармонидан кейин умри азизларга бўлган муносабат тубдан ўзгарганлигини дилдан ҳис қилмоқдамиз. Ҳукумат доирасида аёллар масаласи бўйича махсус Концепция ишлаб чиқилди. У хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг программ ҳужжатига айланди. Ўзбекистоннинг ўзига хос томонлари ҳамда мавжуд муаммолар ҳисобга олиниб ана шу Концепция асосида махсус дастур ишлаб чиқилган. «Аёллар меҳнатини ижтимоий ҳимоялаш», «Экология ва аёл», «Аёл, оила, маҳалла», «Соғлом авлод-кучли жамият асоси» кабилар шулар жумласидандир. Ҳозирги кунда жойлардаги аёллар кўмиталари ушбу йўналишда хайрли ишларни амалга оширишляпти.

Мустақиллик шарофати тўғрисида аёллар мавқеи, хурмати тобора ортиб бормоқда. Кувончли шуки, Олий Мажлис депутатларининг йигирма бир нафари аёллардир.

Бозор шароитида Ўзбекистон ижтимоий ривожланиш масалаларини ҳал этишнинг ўзига хос модулига эга. Ҳаёт у нақадар тўғри эканини қайта-қайта тасдиқламоқда. Бу ўтиш даврида жамиятда оммавий ишсизлик, муҳтожлик каби кўринишларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳукуматимиз иқтисодий бариқор ривожлантиришга эришмоқда. Халқаро семинарда алоҳида таъкидлашни истардим:



Дилбар ГУЛОМОВА, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси

шароитида тadbиркор аёлларимиз кўпайиб бораётганлиги кувончли ҳолдир. Мақсадга эришишда қишлоқ жойларида бунёд этилаётган кичик корхоналар катта рол ўйнамоқда. Шу ўринда ишбилармон аёлларнинг «Тadbиркор аёл» Ассоциацияси ҳақида тўхталиш жоиз. Унинг шарофати билан опа-сингилларимиз бемалол бизнес мактабларида ўқиш, хорижий мамлакатларда касб-хунар ўрганиш, малака ошириш имконига эгадирлар. Меҳнат Вазирлиги ҳузуридаги махсус бўлимлар кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш борасида изчил фаолият юритишляпти.

Илм олиш барчага зарур. Мустақиллик бу борадаги имкониятларни ҳам кенгайтирди. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги илмий ходимларнинг 37 фойизи,

Кўмитамиз аёллар иш ҳақини ошириш, қийин шароитда фаолият юритаётган аёлларимиз имтиёзлардан унумли фойдаланишларини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид кўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги Фармони ҳаётимиз гулларига бўлган меҳрибонликнинг яна бир ёрқин кўриниши бўлди. Фармон шарофати билан 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб, аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйлари тарбиячилари, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олди-дан мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда уларнинг пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

Олий Мажлис XIV сессиясида қабул қилинган аёлларга кўшимча имтиёзлар хусусидаги қонунга биноан 20 йиллик иш стажига эга бўлган аёллар 54 ёшдан пенсияга чиқадилар. Республикада жамоат ташкилотларининг фаолияти янги босқичга кўтарилди. Биз Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, «Маҳалла», «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Наврўз» фондлари билан ҳамкорликни янада мустақамлаб давр талаблари даражасида фаолият юритишга ҳаракат қилаверамиз.

МАҚСАДИМИЗДА СОБИТМИЗ

дир. Бугунга келиб халқ ҳўжалигининг барча жабҳаларида изчил ўсиш бошланди. Бунда ва умуман жамиятимизнинг тараққий топишида республика касаба уюшмаларининг озми-кўпми ҳиссаси бордир. Меҳнаткашлар армияси манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда биз республика Вазирлар Маҳкамаси билан битим тузамиз ва бунинг давоми ўлароқ тармоқ ва худудий касаба уюшма органлари ҳам вазириқлар, концернлар, ҳокимиятлар, муассасалар, идоралар билан шундай келишув актига имзо чекадилар. Бу эса ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий масалаларни ҳал қилишда кучларни бирлаштириш, меҳнаткашларнинг ижтимоий манфаатларига тааллуқли ҳукумат ҳужжатларини тайёрлашда бевосита қатнашиш ва ижтимоий аҳамиятга молик қонунлар лойиҳаларига ўз тузатишларимизни киритиш имконини бермоқда.

Халқ ўртасида ажойиб бир нақл бор: аёллари бахтиёр юртининг бугуни ҳам, эртаси ҳам порлоқдир. Зеро аёл - хоҳ у сиёсатчи, давлат арбоби, кудурчи ёки олим, хоҳ ўй бекаси бўлсин - эътибор ва эъзозга лойиқ. Жамият ҳаётида аёлларнинг ўрни ва ролини янада ошириш бирламчи масала бўлиб қолганлиги ҳам аслида шундан. Муҳтарам Президентимиз Олий Мажлисининг XIV сессиясида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтганлари, аёлларнинг меҳнати ва уларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, уларнинг жамиятдаги мақомини



Дилбар ЖАҲОНГИРОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси, Олий Мажлис депутати

лари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан Халқаро меҳнат ташкилотининг аёллар манфаатларига тегишли қатор Конвенциялари ратификация қилинди.

Агар фаол меҳнат ресурсларининг қарийб 45 фойизини аёллар ташкил қилишни инobatга оладиган бўлсак, жамиятнинг демократлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аёллар иштироки ва рол нақадар салмоқли эканлиги маълум бўлади. Айтиш вақтда аёллар - оила барқарорлигининг кафолати эканлиги ҳам бир зум бўлсин ёддан чиқарилаётганлиги йўқ. Ёш боласи бўлган аёлларга қатор имтиёзлар берилаётганлиги, жумладан, хусусий корхоналарда техника хавфсизлиги ва санитария меёрларига риоя қилинишининг қатъий назоратга олинганлиги, ҳомиладор, шунингдек, фарзанди ногирон бўлган ёки кўп болали аёлларга бери-

лардир. 116 та тармоқ вилоят кўмиталаридан 45 тасида, шунингдек 130 шаҳар ва туман, 454 бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларида аёллар етакчилик қилмоқдалар. Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, касаба уюшма фаолларининг 25 фойизи аёллардан иборат. Уйлайманки, бу йилги ҳисобот-сўзловлар жараёнида касаба уюшма раҳбарлик лавозимларига яна кўпроқ ёш, ғайратли, янгича фикрловчи, ижтимоий фаол аёллар сайланади.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон аёллари бахтли аёллардир. Чунки улар нафақат ижтимоий муҳофиза ва гамхўрлик билан қуршаб олинганда ташқари эмин-эркин ўз салоҳиятини намоён қилиш имкониятига эгадирлар. Бу эса ҳақиқий маънодаги тенгликнинг ўзи-га хос тантанаси десак, му-болага бўлмайди.




Камалам ПАНИОКЕР Эркин касаба уюшмалари халқаро конфедерациясининг вакили

МУШТАРАК МУАММОЛАРИМИЗ КЎП

ларни ишдан бўшатишга ҳаракат қилади. Мураккаб шароитда оч-наҳор ҳаёт кечираётганлар тақдирини бизни гоёт ўйлантирмоқда. Илғор мамлакатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорликни мустақамлаб, бу борада жиддий изланишлар олиб бораёلمиз. Ўзбекистон аёлларининг ўзгаллиги, меҳнатсеварлиги мени ҳайратга солди. Улар орасида ажойиб шифокорлар борлигини яхши биламан. Бу шунчаки холис фикр: соҳа кишиларининг ойлғи ҳақида ўйлаб қўрилса ёмон бўлмасди.

Анжуманга иш тажрибаларимиз ҳақидаги бой материалларни олиб келдим ва уларни Ўзбекистон касаба уюшмалари вакилларига ҳавола этдим. Фаолиятимиз қизиқтириш уйғотса, мафтункор юрт одамлари билан доимий алоқани йўлга қўйиш ниятидамиз. Ҳозирги мураккаб шароитда бир-биримизга ўргатиб, бир-биримиздан ўрганиб яшасак, чакки бўлмас.

Сўнги вақтларда жануби-шарқий Осиёдаги аёллар ҳаёти инсонпарвар, оқил кишиларни ўйлантирмоқда. Ишсизлик, муҳтожлик у ердаги оқилларимизни қаттиқ эзди. Кучларни бирлаштирган ҳолда улар дардида малҳам бўлиш, имкон қадар муаммоларни ҳал этишга баҳоли қудрат ҳисса қўлиши мумкин. Мазкур семинарда шундай хулосага келдим.



Минна Кристин ХАНХИЯРВИ, Халқаро Меҳнат ташкилотининг вакили.

ижтимоий соҳадаги иштироки масалаларини алоҳида ўрганади. Ўзбекистон хотин-қизлар Президентининг бошчилигида катта меҳрибонлик кўрсатилаётганлиги кувончли ҳол. Равшанки, собиқ иттифоқ парчалангандан кейин унинг таркибиде бўлган кўпгина мамлакатлар мушкул аҳволда қолдилар. Таъкидланганидек, аёлларга, болаларга қийин бўлди. Яхши биламан, СССР даврида чиройли гап-сўзлар кўп бўлган. Бироқ, маданият, маориф ходимлари ниҳоятда кам ойлик олишган. Оғир шароитда меҳнат қилаётган аёлларга яратилаётган шароит кўнгилдагидек бўлмаган. Мана, йиллар ўтди. Бироқ ҳамон инсоният хотиржам яшаётгани йўқ. Семинаримизда Озарбайжондаги воқеалар ҳақида тўққинчи гапирди. Бу ердаги қочқоқлар аҳоли кишини чуқур ўйга толдиради. Демак, ҳамжамиятда ҳаракат қилсангина бу каби долзаб муаммоларни ҳал қилишга муносиб ҳисса қўша оламиз.

Юртингизга келиб бойидим, яъни жуда кўп нарса ўргандим, тажриба алмашдим. «Халқаро Меҳнат ташкилоти ва аёллар муаммолари. Ендошувлар, уларни ҳал этиш йўллари» мавзусидаги ихчамгина маърузам фойда келтирганидан хурсандман. Гузал Ўзбекистон бир умр ёдимда қолади.



Минна Кристин ХАНХИЯРВИ, Халқаро Меҳнат ташкилотининг вакили.

ижтимоий соҳадаги иштироки масалаларини алоҳида ўрганади. Ўзбекистон хотин-қизлар Президентининг бошчилигида катта меҳрибонлик кўрсатилаётганлиги кувончли ҳол. Равшанки, собиқ иттифоқ парчалангандан кейин унинг таркибиде бўлган кўпгина мамлакатлар мушкул аҳволда қолдилар. Таъкидланганидек, аёлларга, болаларга қийин бўлди. Яхши биламан, СССР даврида чиройли гап-сўзлар кўп бўлган. Бироқ, маданият, маориф ходимлари ниҳоятда кам ойлик олишган. Оғир шароитда меҳнат қилаётган аёлларга яратилаётган шароит кўнгилдагидек бўлмаган. Мана, йиллар ўтди. Бироқ ҳамон инсоният хотиржам яшаётгани йўқ. Семинаримизда Озарбайжондаги воқеалар ҳақида тўққинчи гапирди. Бу ердаги қочқоқлар аҳоли кишини чуқур ўйга толдиради. Демак, ҳамжамиятда ҳаракат қилсангина бу каби долзаб муаммоларни ҳал қилишга муносиб ҳисса қўша оламиз.

Юртингизга келиб бойидим, яъни жуда кўп нарса ўргандим, тажриба алмашдим. «Халқаро Меҳнат ташкилоти ва аёллар муаммолари. Ендошувлар, уларни ҳал этиш йўллари» мавзусидаги ихчамгина маърузам фойда келтирганидан хурсандман. Гузал Ўзбекистон бир умр ёдимда қолади.

ЮРТИНГИЗГА КЕЛИБ БОЙИДИМ

Касаба уюшмалари меҳнат кишини ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи етакчи куч эканлигини барчамиз анжуманда яна бир бор чуқур ҳис қилдик. Ҳаёт мураккаб. Бугунги бозор шароитида баъзи мамлакатларнинг аёллари мушкул аҳволда қолишди. Бизнинг ташкилот меҳнаткашлар ижтимоий ҳимояси, иш шароити, улар ўз ҳуқуқ ва имкониятларидан қандай фойдаланаётганлиги, аёлларнинг сиёсат бобида,



Жория АЛИМХЎЖАЕВА, Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Мараказий кўмитаси раиси

МЕҲНАТЧИГА ҲАМИША МААЛКОРМИЗ

эълон қилиниши ҳам хотин-қизлар ҳаётига алоҳида эътибор берилаётганлигини далolatдир.

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимояловчи устивор ташкилотдир. Унинг вакиллари ҳамиша одамлар орасида, ҳаёт қайнаган жойда бўлиб, омма кувончу ташвишига шерик бўлмоқдалар, муаммолар иложи борича жойида ҳал этилмоқда.

Эркин касаба уюшмалари халқаро конфедерацияси вакили Камалам Паниокер тўғри таъкидлади: Озарбайжон, Қозғистон, Туркменистон, Қирғизистон касаба уюшмалари вакилларининг чиқишлари жамоат ташкилотлари яқдир ҳаракат қилиши кўп ишга қодирлигини кўрсатди. Анжумандан кўп нарса ўргандим. У олдимиздаги долзарб вазибаларни амалга оширишда асқотади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Фирдих Эберт халқаро жағнамаси ҳамкорлигида ўтказилган анжуман кенгашига кенг дунё, деган халқ нақли нақадар тўғрилигини яна бир бор исботлади. Бундай халқаро семинарларни юкори савияда, мақсадга мувофиқ тарзда ўткази билиш ҳам санъат. Мустақил Ўзбекистонда бу борада ҳам тажриба тўпланган. Меҳмонлар аёллар муаммолари, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида очикчасига фикр юритдилар. Не бахтки, бизнинг мамлакатимизда аёлларнинг мушуқлини осон этиш, уларнинг яхши яшашларини таъминлаш йўлида улуг ишлар амалга ошириляпти. Президентимиз томонидан 1999 йил Аёллар йили деб

